



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 11 октябрь, № 197 (6127)

Шанба

МДҲНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.



МДҲ саммитининг асосий тадбирлари 10 октябрь кунини бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар хавфсизликни таъминлаш, гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти МДҲ бевосита мулоқотни кўллаб-қувватлаш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини берадиган тузилма, аъзо давлатлари барқарор ривожлантириш, уларнинг савдо-иқтисодий салоҳиятини фаол ишга солиш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида ўзаро маълум ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қиладиган майдон эканини таъкидлади.

Ислам Каримов саммит

қатнашчилари эътиборини Ҳамдўстлик маконидан тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва уни тезроқ ишга тушириш зарурати қаратиб, бу ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун имкон қадар кўп шарт-шароит яратишини қайд этди.

Маълумки, МДҲ доирасида муайян йилларни гуманитар мавзу билан номлаш ва тегшли чора-тадбирларни белгилаш анъанага айланган. Саммит қатнашчилари МДҲда 2016 йилни таълим йили, деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кенгаши-

нинг мажлисида МДҲни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича асосий чора-тадбирлар режаси ижросининг бориши таҳлил этилди, қатор ташкилий масалалар юзасидан тегшли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамдўстликка раислик Қозоғистон Республикасига ўтди. Минскка ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан музокара ўтказди.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалаларга қарашла-

ри ўхшаш ва яқин. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерикларидан бири сифатида қарайди. Савдо кўлами йил сайин кенгаймоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 193,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистондан Беларусга экспорт қилинадиган пахта толаси, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар миқдори муттасил ошмоқда. Беларусдан Ўзбекистонга оғир юк ташувчи автомобиллар ва тракторлар импорт қилинади. Айни пайтда мамлакатларимиз биржалари, савдо-саноат палаталари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мулоқотлар давом этмоқда.

Сўхбат чоғида ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар устувор экани, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Беларусь ҳукуматлари қўшма комиссиясининг фаолиятини кенгайтириш бу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларусь маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади.

Ўзбекистон ва Беларусь маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент — Минск — Тошкент Сарвар УРМОНОВ олган сурат.

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



“Кўкун ёғ-мой” очик акциядорлик жамияти-да умумий қиймати 1 миллиард сўмлик техник ва технологик янгиланиш тадбирлари амалга оширилди.

Меҳнат сарфи икки баробар камайди

Хусусан, пресслаш цехига 12 та замонавий сепаратор мосламаси ўрнатилди. Бу эса ўсимлик ёғининг юқори сифатини кафолатлаш билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини ҳам бермоқда. Ёғни тозалаш цехидаги янги филтрлаш дастгоҳлари эса меҳнат сарфини тенг ярмига қисқартираётди.

— Бугун махсулот нафақат сифати, балки ташқи кўриниши билан ҳам истеъмолчига манзур бўлиши лозим, — дейди корхона раҳбари Маҳаммад-жон Толпопов. — Шунингдек, жамиятимизда модернизациялаш тадбирларини муваффақиятли амалга оширдик.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фаолияти кўлами янада кенгайди

Зоминлик Муҳаббат Омонова 2009 йилда якка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлаган эди. Ушунда у 5 нафар чеварни атрофига бирлаштириб, буюртма асосида кўрпа ва чойшаблар тикишга киришганди.

Интилиш ва изланишлари самарасида ишбилармон аёл бугунги кунда “Темур-Салим” хусусий корхонаси раҳбарига айланди.

— Ўтган йили банк кўмаги билан фаолиятимизни кенгайтирдик, — дейди М. Омонова. — Замонавий тикув дастгоҳлари харид қилиб,

Тождидин КАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аввал хориждан келтирилди, энди экспорт қилинапти

Яқин вақтгача Намангандаги пойабзал корхоналарида чарм маҳсулотлари Хитойдан келтирилди. Эндиликда бу хом ашё вилоятнинг ўзидан ишлаб чиқарилмоқда. Ҳатто эҳтиёждан ортгани экспорт ҳам қилинапти.

Бундай имконият табиий терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Nafis charm” масъулияти чекланган жамиятида янги технологиянинг жорий этилиши натижасида юзага келди. Унинг ёрдамида ишлов берилган тери шу ернинг ўзидан бўёқланиб, пойабзал хом ашёсига айлантирилмоқда. Айни пайтда корхонада ойига 1,2 миллион квадрат дециметр ҳажмида юқори сифатли чарм тайёрланапти. Эътиборли жиҳати, маҳсулотнинг 73 фоизи ташқи бозорда сотилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 6 миллион 201 минг АҚШ долларлик яримтайёр ва тайёр маҳсулотлар чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.



Ярмаркани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, ишбилармонларнинг ўзаро музокара олиб бориши ва шартномалар имзолаши учун барча шарт-шароит яратилди.

Пахта ва тўқимачилик тармоғи маҳсулотлари алоҳида павильонларда намойиш этилади. Кўргазма зали марказида турли навдаги пахта толаси ва гўза уруғи намуналарини намойиш қилиш учун махсус стендлар ўрнатилган. Намойиш этиладиган тола намуналари “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази сертификатига эга. Марказнинг барча худудий лабораторияларида HVI замонавий тизимдан фойдаланилаётгани пахта толасининг юқори сифатини таъминлаётди.

(Давоми 2-бетда).

«World Mass Communication» Ўзбекистон ҳақида

Яқинда Ҳиндистонда нашр этиладиган “World Mass Communication” журналининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган махсус сони чоп этилди. Журналнинг асосий мавзуларидан бирини ташкил этган “2014 йил — Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” сарлавҳали мақолада мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлиги-

ни мустаҳкамлаш, болаларнинг соғлом вояга етишлари учун соғлиқни сақлаш,

ЭЪТИРОФ

таълим ҳамда спорт муассасаларининг моддий-техникавий ҳолатини яхшилаш юзасидан кўрилатган кенг кўламли чора-тадбирларнинг салмоқли натижалари атрофича қаламга олинган. Ҳиндистондаги Sikkim университети-

нинг Ижтимоий фанлар факультети декани, доктор Навал Пасваннинг “Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-сармоявий алоқалар: имконият ва истикболлар” сарлавҳали мақолада сўнги йилларда икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши босқичлари жадаллар асосида журнал-хонлар эътиборига ҳавола қилинган.

(Давоми 2-бетда).

Жорий йилда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимида 22 та янги ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди

Бугунги кунда бозору дўконларимиз пештахталари турли дизайндаги, сифати бири-биридан асло қолишмайдиган замонавий кийим-кечакларга тўла. Уларнинг аксарияти ўзимизнинг корхоналарда тикилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

ТАФСИЛОТ

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, енгил саноат тизимида ҳам улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Бунда ҳар йили мазкур соҳага ихтисослаштирилган ўнлаб янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани муҳим аҳамият касб этапти.

Эътибор беринг-а, бундан йигирма уч йил аввал республикаимизда етиш-

тирилган пахта толасининг атиги 7 фоизига ўзимизда қайта ишланар эди, холос. Жорий йилга келиб эса, бу кўрсаткич 44 фоизга етказилгани тизимга мустақиллик йилларида 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридан чет эл инвестицияси жалб қилиниб, 150 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилгани самарасидир. Қолаверса, айни пайтда компания тасарруфидан 200 та кичик корхона ҳам фаолият юритаётгани ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириб, харидорларнинг танлаш имкониятини оширмоқда. Умуман,



айни пайтда компания таркибидаги корхоналар томонидан тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг 38 фоизи ушбу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келапти. Буларнинг бари, ўз навбатида, ички бозоримизни сифатли тўқимачилик маҳсулотлари билан бойитиш баробарида, енгил саноатчиларимизнинг экспорт салоҳиятини

оширишга ҳам хизмат қиладигани билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, ҳозир тизимда 2014 — 2020 йилларга мўлжалланган махсус дастур асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Унга кўра, 2020 йилга бориб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2013 йилдагига нисбатан 3,2 калава ип ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5, газлама ишлаб чиқариш ҳажмини 2,8 марта, трикотаж матолар ишлаб чиқариш ҳажмини 2,7 марта, нотўқима материаллар тайёрлаш ҳажмини 1,5, хом ип ишлаб чиқариши эса 2,1 марта ошириш режалаштирилган. Демак, келгусида енгил саноат соҳаси жадал ривожланиб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада юксалишида муҳим ўрин тутаверади.

Дилшод УЛУГМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

«World Mass Communication» Ўзбекистон ҳақида

«Давом. Бошланиш 1-бетда».

“Асрга тенг йўл” деб номланган мақолада эса 23 йил мобайнида Ўзбекистоннинг аграр республикадан санаоти юксак тараққий этаётган давлатга айлангани ҳақида фикр юритилган. Унда ўтган давр мобайнида мамлакат иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг реал даромадлари эса 8,2 баробар ўсгани, охириги 10 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи 8,1 фоиздан кам бўлмаган келаятгани, шунингдек, юртимизда 9 русумда автомобиллар ишлаб чиқарилаётгани, “Made in Uzbekistan” бренди эса бугун нафақат МДХ мамлакатлари, балки Европа, Осиё ва Яқин Шарқ давлатларида ҳам машҳур эканлиги алоҳида таъкидланади.

Махсус сонда парламент ҳаёти мавзуга ҳам мурожаат этилган. “Ўзбекистонда парламент сайловлари” сарлавҳали мақолада юртимизда

жорий йил 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловлар, бу борада республикада шакллантирилган ҳуқуқий асослар ҳамда сайлов ўтказиш тартиблари ҳақидаги маълумотлар батафсил баён этилган.

“Эркин иқтисодий-индустриал зоналар” сарлавҳали мақолада бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналарида хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулайлик ҳамда катта имкониятлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Хоразм вилоятининг замонавий қиёфаси, бу ерда олиб борилаётган кенг қамровли курилиш-ободонлаштириш ишлари, иқтисодий ривожланиш одимлари, минтақадаги тарихий-меъморий обидалар ва вилоятда сайёҳлик тизими янада ривожлантириш

борасида амалга оширилаётган ишлар тафсилоти бағишланган “Янги дарвоза орқали хуш келибсиз!” мақолада Хоразм вилоятининг бугунги салоҳияти атрофича очиб берилган.

Шунингдек, мазкур журналнинг махсус сонидан ўзбек профессорининг Ҳиндистон президенти томонидан доктор Жорж Грирсон номидаги халқаро мукофот билан тақдирлангани, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгашининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 99-сессияси яқунлари, юртимиз спортчиларининг жаҳон ареналарида эришаётган ютуқлари, Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ипак йўлидаги туризм” XX халқаро сайёҳлик ярмаркаси ҳамда Ўзбекистон замонавий ҳаётининг бошқа соҳаларига оид хабар-мақолалар ва ранг-баранг фотосуратлар ҳам муштарак эътиборига ҳавола этилган.

«Жаҳон» АА. Дехли

«Давом. Бошланиш 1-бетда».

Тўқимачилик маҳсулотлари павильонида “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компаниясининг етакчи корхоналари ва хусусий тадбиркорларнинг экспортбоп маҳсулотлари билан танишиш мумкин бўлади.

Ярмарка доирасида мамлакатимиз дизайнерлари томонидан жаҳон мода тенденция-

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

лари ва миллий аъналаримизни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган ранг-баранг либослар намойишини ўтказиш режалаштирилган.

Халқаро шартнома тузиш ва тақдимот ўтказиш учун замонавий талаб ҳамда стандартларга мос жиҳозланган конференция зали иштирокчилар ихтиёрида бўлади.

Х Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мазкур соҳалардаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири.

Бири тадбиркор, бошқаси фермер

Вилоятимиз аҳолисининг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг фаол иштирокчиларидир. Хусусан, воҳа бўйича 16400 нафар аёл тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, шундан 7396 нафари бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ишламоқда, 382 нафари эса фермер хўжаликлари раҳбари ҳисобланади.

ФАХР

Агар бу рақамлар ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошидаги кўрсаткич билан қиёсланса, ўртада катта тафовут борлиги аён бўлади. Яъни ўшанда тадбиркор хотин-қизлар бармоқ билан санарли эди. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати кенг йўл очилиб, бунинг учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий имкониятлар яратилиши туфайли сирдарёлик аёллар ҳам ўз ишбилармонлик қобилиятларини амалда тўлиқ намойиш эта бошладилар. Бу борада, табиийки, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган юксак эътибор асосий омил бўлди.

корхонасида турли курилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида.

Эътироф этиш жоизки, хотин-қизларимизнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришда банкларнинг молиявий кўмаги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, шу йилнинг олти ойи давомида улар учун 8 миллиард 18 миллион сўмлик кредит ажратилгани туфайли вилоятнинг турли ҳудудларида янги-янги ишлаб чиқариш субъектлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Боёвут туманилик Дилором Барлибоева бўш турган бинони обод қилган ҳолда, бу ерда тикувчилик цехини ташкил этиб, коллеж битирувчиларидан 14 нафарини иш билан таъминлагани бунинг тасдиғидир.

Коллеж битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига жалб этишда, шунингдек, ҳар йили уюштирилаётган ва “Ўз бизнесининг бошла” деб номланган уч кунлик семинаримизнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Нега деганда, ушбу тадбир иштирокчилари нафақат назарий билим олмоқда, балки амалий кўникамага ҳам эга бўлмоқдалар. Чунки семинар асосида тадбиркорлик субъектларига экскурсиялар уюштирилиши ёшларга ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари билан жойида танишиш, илғор ишбилармонлар тажрибасини ўрганиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган олти ойида тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаган коллеж битирувчиларига 2 миллиард 850 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилгани уларнинг сафи янада кенгайиши учун кенг йўл очди.

Қисқаси, тадбиркор аёлларимиз қаторига замонавий билимларга эга ёш мутахассис қизларимизнинг қўшилаётгани мамлакатимиз иқтисодиёти раванг топишига, халқимиз турмуши эса янада фаровон бўлишига хизмат қилмоқда.

Мақсуда ЭШМИРЗАЕВА,
«Тадбиркор аёл»
Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси
Сирдарё вилояти бўлимининг раҳбари.

ФОТОБИЕННАЛЕ — 2014

Мамлакатимизда ўтказилаётган еттинчи Тошкент халқаро фотобиеннаlesi қатнашчилари кеча қадимий Бухорога ташриф буюриб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Шунингдек, меҳмонлар Франциялик таниқли фотоижодкор Франсуа Пошнинг шахсий фотокўргазмаси очилишида иштирок этди.

Кўҳна ва боқий Бухоро

Тадбир Бухоро давлат музей-қўриқхонаси жойлашган кўҳна Арқда бўлиб ўтди. Унда сўз олганлар санъат, жумладан, фотосанъатнинг миллиятлару тотувлик, дўстликни мустаҳкамлаш, миллий урф-одатларни асраб-авайлаш, навқирон авлодни умуминсоний қадриятларга эҳтирсон руҳида тарбиялашда тугган ўрни ҳақида тўхталдилар. Халқаро фотобиенналенинг узвий давоми саналган мазкур тадбир ана шу жиҳатлари билан алоҳида қимматга эгалиги қайд этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, хорижлик сайёҳлар, фотосанъат ихлосмандлари қатнашган мазкур кўргазма “Манзарали лавҳа-

лар ва Темурийлар даври санъати” мавзуйида ташкил этилди. Унда Бухородаги Калон, Болоҳовуз масжидлари, Ситораи Моҳи Хоса кўринишлари, Хива кўчалари, қадимий Самарқанд ёдгорликлари, Шахрисабз обидалари, Марғилон ипагини йиғириш жараёни, Риштон кулоллиги, Тупроққалъа харобалари, кўпқари ўйини акс этган ранг-баранг лавҳалар ўрин олган.

Айтиш жоизки, Франциялик фотоижодкор бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатлари ҳаётига доир юксак маҳорат билан олинган суратлар муаллифи саналади. Ҳозирги пайтгача 20 дан зиёд давлатда унинг шахсий фотокўргазмаси намойиш этилган.

— Франсуа Пошнинг ушбу кўргазмасидаги суратлар

чет эллик фоторассом нигоҳида

ни кенг қамровда ҳаққоний акс эттириш имконини берган. Юртимизнинг табиий иқлими, хусусан, кўшнинг заррин нуллари фотолавҳаларга янада ёрқинлик бахш этган. Суратларга боққан томошабин тинч ва осойишта ҳаёт кечириётган халқимиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётган тарихий обидаларимиз ҳақида кенг тушунчага эга бўлади.

Иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотаётган мазкур кўргазма жорий йилнинг 11 ноябргагача давом этди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технология ва юқори сифат

Бугунги кунда нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка ва олис қишлоқларда ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат тармоқлари фаолият юритаяпти. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришни техник ва технология жиҳатдан янгилаш борасидаги изчил чора-тадбирлар натижасида мавжуд корхоналар салоҳияти юксалиб, ички ҳамда ташқи бозорга чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар тури ва ҳажми тобора ортмоқда.


МОДЕРНИЗАЦИЯ

Бу борада Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Жорий йил бошидан буён воҳадаги 70 га яқин корхоналарда модернизация тадбирлари бажарилиб, мингдан зиёд иш ўринлари яратилганлиги фикримиз тасдиғидир.

Хусусан, Қўшқўпир туманидаги “Қўшқўпир силикат гишт заводи” масъулияти чекланган жамиятида ускуналар эскиргани боис хом ашё ва энергия сарфи жуда юқори эди. Бу эса маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлаётганди. Шу боис ўтган йили бу ерда кенг кўламли модернизация ишларига киришилди. Ис-

тиқ болли лойиҳа банкнинг 1 миллиард 300 миллион сўмлик кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Натижада ушбу маблаг эвазига Хитойда қилинган автоматик гидравлика пресси олиб келиб ўрнатилиб, йилига 30 миллион дона силикат гишт тайёрлаш имконияти яратилди.

Корхона мутахассисларининг таъкидлашича, силикат гишт бино ва иншоотларни тиклашда жуда кўп афзалликка эга. Масалан, унинг ичидаги говақлар деворда термос вазифасини бажаради. Яъни ёзда иссиқни, қишда совуқни ўтказмайди. Замонавий, ресурс тежамкор технологиялар маҳсулот таннархини икки баробар арзонлаштирди. Ишлаб чиқариш қуввати эса икки баробар ошди. Қолаверса, у мус-



таҳкамлиги, ташиш, тушириш учун қулайлиги билан барчага маъқул келаяпти. Маҳсулотларнинг буюртмачиларга қадоқланган ҳолда етказиб берилаётгани эса атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда бу ерда 96 нафар киши иш билан банд. Уларнинг умумий меҳнат қилиши ва дам олиши учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Бу эса муваффақиятлар кўлами янада кенгайишида муҳим омил бўлаётди.

— Ишлаб чиқаришда энергия сарфи кам бўлиши катта аҳамиятга эга, — дейди корхона раҳбари Ботир Бекчаев. — Бизнинг дастгоҳлари-

АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида Табиий офатларнинг хавфини камайтириш халқаро кунига бағишланган республика амалий семинари бўлиб ўтди.

■

Тадбир Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Табиий офатлар хавф-хатарини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг салоҳиятини мустаҳкамлаш” кўшма лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Табиати муҳофазаси, Табиий ресурслар, Геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмиталари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фанлар академияси Сейсмология институти ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида турли фавқулодда вазиятларни аниқ прогноз қилиш,

уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишнинг самарали тизими яратилди.

Жумладан, фавқулодда вазиятларга қарши курашиш мақсадида 1996 йили мамлакатимизда Фуқаро муҳофазаси институти ташкил этилди. Бу ерда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, вазирлик, идора, муассаса ва ташкилотлар талабномалари асосида мутахассислар тайёрланмоқда.

Семинарда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон ҳудудида сейсмик прогнозлар ва хатарлар” кўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Кизил Яримой жамиятининг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришга қаратилган фаолияти муҳома қилинди.

Ромад БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири.

ИНТИЛИШ

Ургут туманида “Alfa max alliance” кўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ерга Жанубий Кореядан 256 минг долларлик замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилди.

Кўшма корхонанинг дастлабки маҳсулотлари

Айни пайтда 20 кишининг бандлиги таъминланган ушбу корхонада кунига тўрт фаслга мос 4 минг дона мўлжаллаяпмиз. Чунки пахта толасидан тайёрланган кийим-кечаларга талаб ҳамisha юқори.

— Эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтириш чораларини кўраяпмиз, — дейди “Alfa max alliance” раҳбари Даврон

Саидмуродов. — Шу билан бирга, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига сотишни ҳам мўлжаллаяпмиз. Чунки пахта толасидан тайёрланган кийим-кечаларга талаб ҳамisha юқори.

Мамадул ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Гарвард университети олимлари томонидан қандли диабет хасталигини даволашнинг энг самарали усули топилиди. Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги маълум қилди.

Самарали усул



Келтирилишича, тадқиқотчилар табиий равишда инсулин ишлаб чиқарувчи хужайрани инсоннинг ошқозонига безига жойлаштириш усулини кашф эттишган. Даставвал мазкур янги-

ликнинг инсон соғлиги учун безарар эканлиги тасдиқлангани лозим. Агар олимларнинг изланишлари қўйилган самарани берса, у ҳолда одамзод диабет хасталигининг биринчи шаклидан бутунлай фориғ бўлиши мумкин. Тадқиқот ишида қатнашган олимлардан Дуг Мелтон, Крис Мэйсон ва Элен Фукс мазкур кашфиётни табиий равишда янги босқич, дея эътироф эттишган.

Тегишли чоралар кўрилаяпти

Япониянинг жанубий ҳудудларига «Вонгфонг» номли кучли тўфон яқинлашиб келаётгани аниқланди.



Харакатланмоқда. Унинг тезлиги соатига тўрт километрни ташкил этаяпти.

Бу ҳақда жаҳондаги кўплаб метеорология хизматлари мутахассислари маълум қилган. Кайд этилишича, мазкур табиий ҳодиса аниқ дамда Тинч океанининг шимол-ғарбида

«Қора олтин» нархи пасаймоқда

Жаҳон нефть бозорига «қора олтин»нинг нархи сезиларли даражада пасайган.



«Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, кеча «Brent Crude Oil» турку-

мидаги нефть баҳоси 3,35 фоиз тушиб, унинг бир баррели 88,42 АҚШ долларини ташкил қилган. Экспертлар кейинги ойда ҳам аниқ шу ҳолат давом этишидан хавотир билдиришяпти. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг июль ойидан бунён «қора олтин»нинг нархи ўртача 20 фоиз пасайган.

Икки йўналиш совриндорлари

Швеция қироллиги фанлар академияси Нобель мукофотининг кимё ва адабиёт йўналишлари бўйича совриндорлари номини эълон қилди.

Бу ҳақда «Рейтер» ахборот агентлиги хабар тарқатган. Унга кўра, танловнинг кимё йўналишида мукофот АҚШлик олимлар Эрик Бетциг ва Уильям Мернер ҳамда Германиялик Штефан Хеллга насиб этди.

Маълум бўлишича, бу олимлар юқори ўлчамли микроскопия соҳасида амалдаги чегаралардан ўтиб, нанодунёни кузатиш имконини берувчи тизимни кашф қилгани учун мазкур юксак мукофотга лойиқ кўрилган.

Модиано асарлари бир неча мартаба экранлаштирилган. У Франциянинг ушбу йўналишда Нобель мукофотиغا сазовор бўлган 11-вакили ҳисобланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар! «UNIVERSAL REALTOR» МҶЖ Андижон вилояти филиали

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси билан биргаликда бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли «Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, куйидаги давлат объекти очик аукцион савдосига кўйилади: Андижон вилояти, Марҳамат тумани, «Шукурмерган» ҚФЙда жойлашган «Машъал» қишлоқ врачлик пункти бино ва иншоотлари. Аукцион савдосига кўйилган давлат активининг тавсифи: ер участкаси майдони 6746,89 кв.м., фойдаланиш майдони 1099,66 кв.м. Бошланғич баҳоси — 480 653 841,15 сўм. Баландса сакловчи — Марҳамат тумани ҳокимлиги. Фаолияти ихтисоси — маъмурий бошқарув. Аукцион савдоси 2014 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уйда жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 108-хонасида ўтказилади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда бошланади

ИЗЛАНИШ

Кейинги йилларда дунё мамлакатлари атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, айниқса, энергетика саноатида тежамкор усулларни қўллаш масалаларига жиддий эътибор қаратапти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки электр энергияси ҳосил қилиш мураккаб жараён бўлиб, бунинг учун ҳар йили жаҳон бўйича катта миқдорда кўмир, табиий газ ва нефть сарфланади.

Табиатни асраб-авайлаш — барчамизнинг бурчимиз

Ушбу табиий ресурслар заҳираси чекланганлиги, бир кун келиб тугаши эса аллақачон ўз исботини топган. Бундан ташқари, мазкур турдаги ёқилғиларнинг ишлатилиши оқибатида атмосферага турли зарарли газлар ҳам чиқарилади. Шу боис бугунги кунда дунё экологлари табиатни асраб-авайлаш, унинг бойликларидан, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида бонг урмоқдалар. Мамлакатимизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, республикамизда иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган нефть-газ саноати анча ривожланган. Қолаверса, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш имконияти ҳам жуда юқори. Шунинг учун юртимизда сўнгги пайтларда ёқилғи-энергетика соҳасида

унинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда, тежамкорликка эришиш учун зарур ҳуқуқий асос яратилмоқда. Ушбу йўналишга ихтисослаштирилган кўплаб илмий муассасалар ташкил этилаётди. Шулардан бири — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги ихтисослаштирилган махсус «Эко-энергия» илмий-табиқий маркази. Мана, бир неча йилдирки, мазкур марказ соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаяпти.

— Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда мамлакатимизда бу борадаги ишлар тобора кенгаймоқда, — дейди марказ директори Умиджон Мирниязмутдинов. — Бунда, айниқса, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаяпти.

Марказимиз томонидан ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида, хусусан, Халқаро қуёш энергияси ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институтлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан келишув-га эришилди. Ҳозирги кунда ана шу ҳамкорлик доирасида энергетиканинг қайта тикланувчи қурилмаларидан фойдаланиш бўйича амалий кўрсатмалар, ўқув

ди. Масалан, аниқ пайтда республикамизда умумий эҳтиёж учун зарур бўлган энергиянинг 50 фоиздан кўпроги коммунал-маиший соҳага сарфланади. Шу боис ҳозирги кунда биз иншоотларни кичик қуёш сув иситкичлари билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўраямиз. Бундай усуналар ҳар томонлама қулай бўлиб, улар сув ҳароратини бир маромда ушлаб ту-

қуриш, турли иншоотларни иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминловчи қуёш нури иситкичлари, овқат тайёрлаш ҳамда сув қайнатиш учун ўзига хос «куёшли ошона» либихаларини рўйга чиқармоқдалар.

Марказ томонидан ана шу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида бир неча ижтимоий аҳамиятга молик объектлар ноанъанавий тарзда энергия билан таъминланаёпти. Шўрчи, Узун, Сарисоё, Денов, Шахрисабз, Китоё, Сардоба туманларининг энг чека қишлоқ ҳудудларида жойлашган табиий таъминланган муассасалари, шунингдек, Жондор туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаби шулар жумласидан. Буларнинг бари ҳудудларда табиий хизмат, таълим-тарбия сифатини янада яхшилашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Табиат мусаффолиги, унинг бойликларини тежашдек эзгу мақсад йўлида ташкил этилган илмий тадқиқот институтлари, марказлар фаолияти эса нафақат иқтисодий жиҳатдан фойда келтирляпти, балки аҳолининг билим ва кўникмаларини оширишда ҳам аниқ мудоао бўлаяпти.

Дилшод УЛУГМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



риш баробарида, ёқилғини ҳам сезиларли даражада тежайди. Қолаверса, экологик нуқтани назардан ҳам жуда фойдалидир. Энг муҳими, юртимизда бундай ишларни янада кенгайтириш учун асосий манба — қуёш нури етарли.

Шунингдек, мутахассисларимиз тегишли ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда иқтисодиётимизнинг турли тармоқлари учун фотозлектрик ва шамол станциялари, кичик ГЭСлар

ЭЪЛОНЛАР

«EFFECT REAL GROUP» МҶЖ тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этади. «Ўзбектелеком» АК Фаргона филиалининг 2014 йил 24 сентябрдаги 42-03-08/967-сонли хатига асосан, Риштон тумани, «Бўстон» ҚФЙ, Бужай қишлоғида жойлашган, ҳозир фойдаланилмаётган собиқ АТС бино-иншоотлари савдога кўйилмоқда. Кўчмас мулкнинг умумий майдони — 184,44 кв.м., бино-иншоотлар жойлашган майдон — 140,40 кв.м. Бошланғич баҳоси — 18 200 000 сўм. Савдо ўтказилиши ва ҳужжатларни тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фаргона шаҳри, Аҳмад ал-Фаргоний кўчаси, 43-уй, 24-хона, собиқ «Матлуботсавдо» биноси. Телефон: (+99895) 404-54-84. Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. Очик танлов савдосига «O'ZSANOATQURILISHBANK» АТБ Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг 2014 йил 8 октябрдаги 01-05/1662-сонли буюртманомасига асосан, куйидаги корхона устав фондидаги улуши кўйилмоқда: Танловга кўйилган объект Корхона жойлашган манзил Сотувга кўйилган улуш (%) Закалат миқдори (%) Бошланғич баҳоси(сўм) «O'ZSANOATQURILISHBANK» АТБ Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг «ELITE STARS TEXTILE» МҶЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй. 100 фоиз 0,2 фоиз 28 250 064 000

Очик танлов савдосида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов тақлифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Respublika mulk markazi» ЁАЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчисини томонидан белгиланади. Танлов тақлифларини қабул қилиш 2014 йил 10 ноябрь Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтаилади. Танлов тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2014 йил 14 ноябрь Тошкент вақти билан соат 15.00 да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлис залда (4-кават) амалга оширилади. Тақлифларни очиб вақтида танловда белгиланган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Савдода энг мақбул тақлиф киритган талабгор танлов голиби деб топилади. Очик танлов савдоси шартлари: Танлов голиби савдо ўтказилгандан сўнг 10 иш куни ичида сотиб олиш бўйича олди-сотди шартномасини ўрнатилган тартибда имзолаши керак; Танлов голиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни бунёк пули сифатида олди-сотди шартномаси тўзилган санадан бошлаб 30 иш куни ичида, қолган қисмини 7 йилдан узоқ бўлмаган муддат давомида олди-сотди шартномасида белгиланган тартибда қисмларга бўлиб-бўлиб сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт; Корхона бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда фоиз ҳисобланади; Зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришда давлат божи, гаров таъминотини қоплаш билан боғлиқ харажатлар (объектни баҳолаш ва сугурталаш), очик танлов савдоси ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 100175, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон (0-371) 228-79-52. www.rmm.uz Гувоҳнома №006231.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ куйидаги ихтисосликлар бўйича 2015 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига танлов эълон қилади: 01.02.00 — Механика 01.02.03 — Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси — 1 ўрин. 01.02.05 — Суоқлик ва газ механикаси — 1 ўрин. 05.23.00 — Қурилиш 05.23.01 — Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар — 2 ўрин. — Қурилиш материаллари ва буюмлари — 2 ўрин. 18.00.00 — Архитектура 18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш — 2 ўрин. — Бино ва иншоотлар архитектураси — 1 ўрин. 18.00.03 — Шаҳарсозлик, районлаштириш. Ланд-шафт архитектураси ва қишлоқ турар-жойларини режалаштириш — 1 ўрин. Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, Тошкент архитектура-қурилиш институти бош биноси, 2-кават, 217-хона. Телефонлар: (0-371) 241-80-02, 241-11-73, 241-13-73 (илмий бўлим). Электрон почта: taqi-loib@mail.ru

«NEW ESTATE ACTION» МҶЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган тақрорий очик аукцион савдосига тақлиф этади. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 287/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Хасанбой» ҚФЙ, Юқори Хасанбой кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 0,154 га. бўлган нотураржой биноси савдога кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 70 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 27 октябр кун соат 12.00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланшидан бир кун олдин тўхтаилади. Савдога кўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчисини билан тузилладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МҶЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлаши шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151. Хизматлар лицензияланган. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон (0-371) 254-69-13.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Кимёвий технология кафедраси мудири Ирода Набиевага падали бузруквори, шу кафедра фахрийси Абдусамат ҲАМРАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

ТУРИЗМ — МАМЛАКАТ БРЕНДИ



Президентимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида "Сайёҳнинг кайфияти туристларни қабул қиладиган ҳар қандай мамлакатнинг, айтиши мумкинки, асосий бренди, яъни, товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёримизга яхши кайфият билан келиб, шундай яхши кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустақам асосга қўйилган, деб айтишга ҳақлимиз", дея таъкидлади.

Юртимизнинг мафтункор гўшалари

хорижлик сайёҳларни тобора ўзига ром этмоқда

Бўстонлик туманининг Бурчмулла ва Чимён қишлоқларида уч кун меҳмон бўлган франциялик тадбиркор Клод Андре юртига қайтар чоғида ушбу манзилларда барпо этилган "Чодирлар шаҳри"даги хорижлик сайёҳлар китобига ўз таассуротларини шундай сўзлар билан ёзиб қолдирибди: "Уйдагилар сафар таассуротларини сўраса, жўхори гўжа билан қатлама патирнинг мазасини таърифлаб беролмаслигим аниқ. Шунинг учун бу афсонавий масканга келаси йили, албатта, оилам билан келаман!"

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Бўстонлик бетакорр экотуризм масканига айланди. Бу ерга келиб-кетувчи сайёҳларнинг табиат қўйнида мароқли ҳордиқ чиқариши, наботот ва ҳайвонот оламининг нодир намуналари билан яқиндан танишиши учун қулайликлар яратилаётир. Айниқса, бу борада тоғ, ўрмон, яйлов, табиий сув ҳавзалари, оёқ турмас қиялиқлари лалми ерларни ўз бағрига олган "Уғом — Чотқол" давлат миллий табиат боғи имкониятларидан самарали фойдаланилган.

Дарвоқе, хорижлик сайёҳлар фикрига кўра, Бўстонлик, асосан, уч жиҳати билан уларни ўзига ром этаркан. Биринчиси, ҳудуднинг ўзига хос иклими бўлса, иккинчиси, бу ердаги ажабтовор табиат ёдгорликлари, учинчиси эса антика таомлари экан.

Фарбий Тянь-Шанда ўзининг такрорланмас табиати, бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, маъдани сув захиралари билан ажралиб турувчи Уғом, Қоржонтоғ, Писком, Кўксу ва Чотқол тоғ тизмалари ҳудудидаги яшил майдонлар, бу ердаги нодоб петроглифлар ва тарихий обидалар, қадимий осориатқалар, уфққа

туташ боғ-роғлар тароватю халқимизнинг қадимий пазандлик анъаналари кимларни махлиё этмайди, дейсиз?! Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги "2013 — 2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори воқеда сайёҳлик хизмати кўрсатиш тури ва сифатининг ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Шу асосда Ҳожикент ва Юсуфхона қишлоқларида 70 ҳамда 90 ўринли иккита замонавий меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унлаб санаторий, курорт ва пансионатлар таъмирланди. Транспорт-коммуникация инфраструктурасини яхшилаш бўйича кенг қўламли лойиҳалар рўйибига киришилди.

Айниқса, юқоридаги икки қишлоқдан оқиб ўтувчи сой бўйларига чодрлар тикилган шаҳарчалар ташкил этилиб, ҳудуднинг уду ва аъналарига монанд жиҳозлангани бу ерда хорижлик сайёҳлар оқимининг кўпайишида айна мудоа бўлди.

Бўстонликнинг тоғли ҳудудларида туризмнинг тоғ чангиси, альпинизм каби унлаб турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. "Чимён-экстрим" киши спорт турлари мусобақалари, экологик акция ва саёҳат фестивалларини мунтазам йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими, бу маҳаллий тадбиркорлар фаолияти кенгайишида кат-

та имкониятлар яратаётир. Хусусан, кейинги икки йил ичида ҳудудда 90 дан ортиқ сервис хизмати кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ишга туширилгани ана шундан далолат беради.

Мураккаб муолажа усуллари қўлланилмоқда

Саломатлик. Зарафшон шаҳридаги "Авиценна — Зарафшон" хусусий клиникасига Германиядан электрон лаборатория жиҳозлари келтирилди. Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қадриятларимиз эъзози

Маълумки, хунармандчилик узоқ тарихга эга меҳнат турларидан бири ҳисобланади. Қувонарлики шундаки, ота-боболаримиздан мерос ушбу қадрият бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, истиқлол йилларида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, берилаётган имтиёз ва яратилаётган имкониятлар туфайли хунармандчиликнинг меҳнати, чин маънода, улуғланмоқда. Бунда Президентимизнинг "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириши янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.



Сандаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хурсандбек АРАББОВ олган сурат.

АНЪАНА

Андижон шаҳридаги Хунармандчилик маҳалласидан ўтсангиз, қайсидир дўкондаги темирчи сандонидан сачраётган оловга кўзингиз тушади. Ёки чаққон ишлаётган тунуқасознинг иши эътиборингизни тортмасдан қолмайди. Бу ерда меҳнат қилаётган дурадгору уста-қосиблар миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий хунар турларини ривожлантириш йўлида астойдил интилишмоқда.

Шулардан бири — "Хунарманд" уюшмаси аъзоси Одилжон ота Мадаъминов, гари 84 ёши қаршилаган бўлса-да, ҳар кун устахонага келишни қанда қилмайди.

— Узим шаҳарнинг Умарбек маҳалласиданман, — дейди отахон биз билан суҳбатда. — Хунармандчилик — бизга бобомерос касб. Бобом ҳудудда машхур бешиқсоз уста сифатида танилган. Ўн ёшимдан бошларнинг ёнида ушбу касбнинг сир-асрорларини ўрганишга киришганман. Шу-шу, бешиқсозликнинг эстагидан маҳкам тутиб келаянман. Вақт ўтиб, бу хунарни уч ўғлимга ўргатдим. Умуман, ҳозирги кунда шогирдларим сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Биласизми, бир пайлар бу касб эгаларининг эмин-эркин ишлашларини тасаввур ҳам этолмасдик. Ўша маҳалларда ҳатто бешиқ учун зарур хом ашёларни топиш муаммо эди. Шурки, бугун вазият тамомила бошқача. Ишлайман, хунар эгаллайман, деган кишига

имкониятлар етарли. Буларнинг бари истиқлол шарофатидан. Бешиқ фақат моҳирона меҳнат маҳсулигина эмас, балки халқимиз маънавияти, азалий қадриятларимизнинг ажралмас қисmidir. Шунинг учун бўлса керак, Хунармандчилик маҳалласига тарихчи ва этнограф олимлар, хорижий меҳмонлар тез-тез келиб туришади. Улар бешиқнинг тарихи ва аҳамияти билан қизиқадилар, эсдалик учун суратга ҳам тушишади.

Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли хунармандчиликнинг меҳнати қадр то-

Сандаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хурсандбек АРАББОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ. Куйидаги ихтисосликлар бўйича 2015 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ҳамда мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади: 08.00.07 — Молия ва кредит; 08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби. Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади. Маълумот учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 60-«А» уй. Телефон: (0-371) 235-41-83. website: www.tfi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Куйидаги профессор-ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади: Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи. Пенсия ва сугурта иши кафедраси: кафедра мудири. Чет тиллари кафедраси: катта ўқитувчи. Шу билан бирга, куйидаги илмий ва маъмурий ходим лавозимларига танлов асосида ишга тақлиф қилади: Банк-молия тизимини ривожлантириш тадқиқотлари марказига: катта илмий ходим, илмий ходим. Ахборот-ресурс марказига: 1-тоифали мутахассис. Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи) ҳамда илмий ва маъмурий бошқарув лавозимларига номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари, илмий марказларида тахсил олган (стажировка ўтган ёки малака оширган) ҳамда илгор хорижий таълим стандартлари ҳамда технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инглиз тилидан педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштиришган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» MCHJ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказеди. 2014 йил 16 октябрь куни бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73-«Б» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси баландсидиги, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/487JCA, бошлангич нархи — 19 540 000 сўм бўлган «ДЭУ МАГНУС» русумли; 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/485JCA, бошлангич нархи — 18 910 000 сўм бўлган «ДЭУ МАГНУС 2.0» русумли; Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уйда жойлашган Тошкент давлат шарқшунослик институти балансидаги, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/526CBA, бошлангич нархи — 13 997 100 сўм бўлган «Нексия» русумли; Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 14-уйда жойлашган «TOSHKENTBOSHPANLITI» ДУК балансидаги, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/298TBA, бошлангич нархи — 35 398 420 сўм бўлган «Ниссан Максима» русумли автотранспорт воситалари қайта қийилади. 2014 йил 13 ноябрь куни ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Олмазор кўчаси, 4-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармаси транспорт бўлими балансидаги ҳар бири 2000 йилда ишлаб чиқарилган ва ҳар бирининг бошлангич нархи — 4 019 226 сўмдан, давлат рақами 01/045PPP бўлган, «ГАЗ-3102311»; давлат рақами 01/053PPP бўлган, «ГАЗ-3102311»; давлат рақами 01/067PPP бўлган, «ГАЗ-3102»; давлат рақами 01/073PPP бўлган, «ГАЗ-3102»; давлат рақами 01/077PPP бўлган, «ГАЗ-3102»; давлат рақами 01/081PPP бўлган, «ГАЗ-3102311»; давлат рақами 01/082PPP бўлган, «ГАЗ-3102»; давлат рақами 01/084PPP бўлган, «ГАЗ-3102311»; давлат рақами 01/086PPP бўлган, «ГАЗ-3102-311»; давлат рақами 01/137PPP бўлган, «ГАЗ-3102311» русумли автотранспорт воситалари қийилади. Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш иш

Испания: XIII Осие санъат фестивалида иштирок этиш учун Барселонага келган "Мумтоз Наво" музика гуруҳининг чиқишлари тадбирнинг маданий қисмига алоҳида шуқуҳ бағишлади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котбият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5